

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019. Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

БАРАТОВА МОХИДИЛ РАХИМОВНА

**ҚОВОҚДОШЛАР (*CUCURBITACEAE* JUSS.) ОИЛАСИГА МАНСУБ
АЙРИМ ТУРЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИ ҲАМДА ДОРИВОРЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.06 - Сабзавотчилик

**06.03.03 – Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва
агрофармэкологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)
on agricultural sciences**

Баратова Моҳидил Раҳимовна

Қовоқдошлар (*Cucurbitaceae* Juss.) оиласига мансуб айрим
турларнинг маҳсулдорлиги ҳамда дориворлик хусусиятларини
илмий асослаш..... 3

Баратова Моҳидил Раҳимовна

«Научное обоснование продуктивности и лечебных свойств
некоторых видов семейства тыквенных (*Cucurbitaceae* Juss.)»..... 27

Baratova Mokhidil Rakhimovna

Scientific substantiation of the productivity and medicinal properties
of some species of the gourd family (*Cucurbitaceae* Juss.) 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019. Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

БАРАТОВА МОХИДИЛ РАХИМОВНА

**ҚОВОҚДОШЛАР (*CUCURBITACEAE* JUSS.) ОИЛАСИГА МАНСУБ
АЙРИМ ТУРЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИ ҲАМДА ДОРИВОРЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.06 - Сабзавотчилик

**06.03.03 – Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва
агрофармэкологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.2.DSc/Qx250 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон кишлок хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар: Юнусов Салоҳиддинжон Адхамович
Кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор
Тўхтаев Бобоқул Ёрқулович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Санаев Собир Тоирович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Хожиматов Олимжон Қаҳхарович
биология фанлари доктори, профессор
Буриев Хасан Чутбаевич
биология фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот: Сабзавот, полнз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти


Диссертация химовси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил 12 декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tdag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).


Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (549570-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 30 ноябрь куни тарқатилди.
(2023 йил 28 сентябрдаги 1-рақамли реестр баённомаси).




Э.Т.Бердиев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор.


М.З.Холмуротов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.д., (PhD) доцент.


А.А.Сафаров,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси
ўринбосари, к.х.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро озиқ-овқат ҳавфсизлиги ташкилоти ФАО нинг маълумотларига кўра, “жаҳонда қовоқ етиштирувчи давлатлар ўнталигида Хитой, Хиндистон, Украина, Россия, Испания, Мексика, Бангладеш ва АҚШ етакчи ўринда туради. 2020-йилда дунёда қовоқ етиштириш ялпи маҳсулоти 28 млн. тоннани ташкил этиб, шундан умумий ҳажмининг 27 фоизи Хитойда етиштирилган. Бодринг ишлаб чиқарувчи етакчи давлат ҳам Хитой бўлиб, 72,8 млн. тонна, яъни ялпи маҳсулотнинг 79,8 фоизини ташкил қилади. Кейинги ўринларни Туркия, Россия, Украина, Эрон ва Ўзбекистон эгаллаган”¹. Дунёда қовоқдош сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини ошириш ҳамда етиштиришда ресурстежамкор технологияларни қўллаб, ҳосилдорликни ошириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида аҳоли сонининг ортиб бориши, суғориладиган майдонларнинг камайиши, сув танқислиги, маҳсулотларга бўлган талабни ортишига узвий боғлиқ бўлиб, ҳозирги кун муаммосидир. Қовоқдош сабзавот экинлар маҳсулдорлигини оширишда табиий биостимуляторлардан фойдаланиш, экологик тоза маҳсулот етиштириш, шу билан бирга маҳсулотлардан самарали дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Республикамизда асосан доривор ўсимликлардан биологик фаол қўшимчалар олиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган ва муайян натижаларга эришилган. Лекин қовоқдош экинлар маҳсулдорлигини оширишда табиий биостимуляторларни қўллаш ва янги биологик фаол моддаларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳамда дориворлик хусусиятларини ошириш муаммоси мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам “...пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларини қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озиқа ва мой олинадиган экинларни экиш» муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган”². Бу борада қовоқдош экинларга биостимуляторларнинг таъсирини ўрганиш ва маҳсулот сифатини ошириш, унинг фитокимёвий таркибини бойитиш ҳамда дориворлик хусусиятларининг сифатини яхшилаш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968 «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш

¹ <https://www.fao.org/statistics/ru/>

² ЎзР Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60 сонли Фармони

чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар қовоқдош экинларни етиштириш самарадорлиги бўйича тадқиқотларни Жанубий-Шарқий Осиёда (Бутунжаҳон сабзавотчилик маркази), АҚШда (Нью Жерси, Вашингтон Колифорния, Флорида, Жоржия штатларидаги университетлар), Хитойда (Сабзавотчилик ва гулчилик институти, Хуачжон университети), Нидерландияда (Вагенинген университети), Испанияда (Барселона университети), Россия Федерациясида, Украинада, Молдовада, Арманистонда ва Азарбайжонда олиб борилган ва ушбу ишлар давом эттирилмоқда.

Дунёда қовоқдош экинлар етиштиришда ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш бўйича кенг илмий тадқиқотлар асосан АҚШ, Россия ва Германияда олиб борилиб, улар ўсишни бошқарувчи моддалар ва биостимуляторлар синтези бўйича етакчи ҳисобланади. Қовоқдош экинлар маҳсулдорлигини ошириш бўйича АҚШ, Хитой, Япония, Германия, Туркия, Грецияда бир қатор илмий ишлар бажарилган.

Доривор ўсимликлар хом ашёлари асосида янги дори воситаларини яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳонда етакчи илмий марказлар Community Health Sciences, University of London, Cranmer Terrac (Буюк Британия); Therapeutic Advances in Respiratory Disease (Италия); Institute of Pharmaceutical Sciences the University of Mississippi (АҚШ), National university of Amsterdam (Голландия), Institut Jean-Pierre Bourgin (Франция), Japan Atomic Energy Research Institute, Gunma, Faculty of Pharmaceutical Sciences the University of Tokushima (Япония), Xinjiang technical institute of physics and chemistry (ХХР), Department of Biological Sciences and Fralin Center for Biotechnology, Virginia (АҚШ), Institute of Molecular and Cell Biology, Urumchi (ХХР), Institute of Biochemistry and Molecular Biology, Taipei (Тайвань), Department of Pharmacology, Valla Bhai Patel Chest Institute, University of Delhi (Ҳиндистон); И.М. Сеченов номидаги Биринчи Москва тиббиёт университети (Россия) томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Доривор ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддаларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар хорижлик олимлардан S.Gaminetsku, С.Т. Liu, Р.Т. Chuang, С.У. Wu, Р.С. Macander, J.E. Ozumba, шунингдек рус олимлари А.П. Орехов, Т.М. Власова, М.Д. Машковский, Г.П. Меньшиков, А.И. Артемьев, Р.А. Коновалова, А.М. Бутлеров илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Дунё миқёсида қовоқ етиштириш, биологик фаол моддалар яратиш бўйича Liu Shanshan, Zhu Jin, Flavio Favaro Blanco, G.Colla, Россияда Б.В.

Арасимович, И.М. Ашероф, Ф. Белик, И.Ф. Горлов, Г.Ф. Монахос ва юртимизда Ш.Э. Умидов, Х.Х. Холматов, М. Усуббоев, Ш.Н. Мадрахимов, Х.М. Комилов, А.Қ. Саидвалиев, Г.Қ. Рахимова каби олимлар изланишлар олиб борганлар.

Республикамизда биостимуляторлар яратиш ва уларни қўллаш самарадорлиги бўйича Х.М. Шахидоят, Х.А. Абдуазимов, Н.К. Хидирова, Б.Ж. Элмурадов, шу билан бирга бодринг ўсимлиги бўйича З.И. Цой, Е.Е. Талалова, В.И. Зуев, Х.Ч. Бўриев, С.М. Меджитов, С.С. Асатова, Т.Г. Мўминов, М.Ю. Ибрагимов, С.А. Юнусовлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, республикамизда қовоқ ва бодринг маҳсулдорлиги ва дориворлик хусусиятларини ошириш, улардан биологик фаол қўшимчалар олиш бўйича илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. Шунинг учун юқоридаги агротехнологик ва фармацевтик хусусиятларни ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида № ҚХ-И-ҚХ-2018-113 сонли «Андижон вилояти иқлим-шароитида қовоқнинг истиқболли навларини танлаш, уруғчилигини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади қовоқ ва бодринг ўсимлигига биостимуляторлар қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш, уларнинг маҳсулдорлиги ҳамда дориворлик хусусиятларини ошириш ва биологик фаол қўшимчалари самарадорлигини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

янги Учқун плус биостимуляторининг самарали композициясини яратиш;

қовоқнинг Испанская 73 ва Паловкаду 268 навлари ҳамда бодрингнинг Орзу F1 ва Наврўз нав намуналарини етиштириш учун биостимуляторларни мақбул қўллаш меъёри ва усулларини аниқлаш;

қовоқдошлар меваси ва уруғининг сифатига ҳамда баъзи биокимёвий кўрсаткичларига турли биостимуляторларнинг таъсирини тадқиқ қилиш;

қовоқдош ўсимликлар шифобахшлиги ва дориворлик хусусиятларини аниқлаш;

қовоқ ва бодринг меваси ва уруғидан биологик фаол қўшимчалар яратиш;

қовоқдош ўсимликларни етиштиришда турли биостимуляторлар қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қовоқнинг Испанская 73 ва Паловкаду 268 навлари, бодрингнинг Орзу F1 ва Наврўз нав намуналари, Учқун плус, Учқун, Вэрва, Госсипрен каби биостимуляторлар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети қовоқ ва бодринг етиштириш учун истиқболли

биостимуляторларни ажратиш; Учкун плюс биостимуляторининг самарали композицияси, биостимуляторларни қўллаш меъёри ва усуллари; қовоқдош ўсимликлардан олинган доривор биологик фаол қўшимчалар таркибини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини бажаришда, дала тажрибаларини ўтказишда фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар умум қабул қилинган тадқиқот усуллари ёрдамида, лаборатория таҳлиллари эса ўсимликлар таркибидаги фитогормонлар миқдорини юқори самарали суюқлик хроматография (ЮССХ) усулида, полипреноллар миқдорини юқори самарали юпқа қатламли хроматография (ЮСЮҚХ) усулида, маҳсулот таркибидаги макро ва микроэлементлар миқдори индуктив боғланган плазмали оптик эмиссион спектрометрда (ИБП – ОЭС), оқсил миқдорини Къельдал усулида, субстанцияларнинг нам тортиш хоссаси С.А. Носовицкая усулида, қовоқ уруғидаги ёғ кислоталари ва мойдорлигини аниқлаш учун газ хроматографияси (ГХ) Ульченко усулида бажарилган, дала тажрибаларини ўтказишда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш ва ишлаб чиқаришда синаш бўйича халқаро комиссия тавсияномалари ва стандарт синаш усулларига асосланган, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида дисперсион таҳлил усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Учкун биостимуляторининг макро ва микроэлементлар билан бойитилган самарали композицияси Учкун плюс биостимулятори (IAP06983/15.06.2022) яратилган;

қовоқдош экинлар учун Учкун плюс биостимуляторининг энг мақбул меъёри (0,01%) ва қўллаш усули (уруғларни 18 соат давомида ивитиш ва ўсув даврида баргидан пурқаш) ишлаб чиқилган;

турли сарф меъёрлари ичида Учкун плюс биостимулятори 0,01% ли вариантида қовоқнинг Испанская 73 нави товарбоп ҳосили назоратга нисбатан 12,8 % га, Палов каду 268 нави 14,0 %, бодрингни Наврўз нави 27,2 % га, Орзу дурагайи эса 23,0 % га юқори ҳосил бериши аниқланган;

Учкун плусни 0,01% меъёри қўлланилган вариантида қовоқ мевалари таркибидаги пектин миқдори 8,41 грамм, β - каротин миқдори 4,15 мг, нитрат миқдори эса 45,3 мг ни ташкил этиб, назоратдан 17,6 фоизга кам бўлиши аниқланган;

қовоқдош ўсимликлар хлорофилл ва фитогормонлар миқдорининг ўзгаришига Учкун плюс биостимуляторининг 0,01% ли сарф меъёри ва қўллашнинг аралаш усули энг самарали деб топилиб, қовоқ баргларидаги умумий хлорофилл миқдори 2,94 мг, яъни 51,5 % га назоратдан юқори бўлган. Бодринг баргларидаги умумий хлорофилл миқдори эса 1,81 мг/г, яъни назоратдан 37,1 % га ортган;

қовоқ ер устки қисмида фитогормонлардан кинетин миқдори 0,123 мг/мл, илдиз қисмида эса 0,041 мг/мл, индол мой кислота (ИМК) миқдори

пояда 0,011 мг/мл бўлса, илдизда унинг мавжуд эмаслиги аниқланган;

Учкун плюс (0,01% ли) биостимуляторини аралаш усулда қўлланганда қовоқ мевасида макроэлементлар миқдори Na-3,391 мг/л, K-144,01 мг/л, Mg-9,02 мг/л, Ca-22,55 мг/л, P-21,26 мг/л, S-17,33 мг/л га ортиши, уруғи таркибида эса Mg-586,5 мг/л, Na-14,3 мг, K-838,6 мг, Ca-45,95 мг, P-1401,1 мг ва S-160,9 мг ортиши, бодрингда эса Mg-13,0 мг/л, Na-2,0 мг/л, K-147,0 мг/л, Ca-16,0 мг/л, P-24,0 мг/л га ортганлиги аниқланган;

қовоқнинг пўстида витамин С миқдори 1,84 мг, витамин В₂-0,02 мг, этли қисмида 8,78 ва 0,12 мг, плацентада 5,26 ва 0,11 мг, уруғда эса 8,86 мг, витамин В₂-0,16 мг, бодринг мевасидаги витамин С-11,02 мг, витамин В₂-0,04 мг га ортганлиги аниқланган;

қовоқ уруғи таркибидаги умумий оқсил ва оқсилнинг азот миқдори мева пишган пайтда 31,65 %, пишмаган пайтда эса 30,05 %, оқсилнинг азот миқдори пишган пайтда 5,06 %, хомлигида эса 4,80 % бўлиши аниқланган;

қовоқ уруғида тўйинмаган ёғ кислоталар миқдори Учкун плюс қўлланган вариантыда 4,15 % юқори бўлиши аниқланган;

янги “Tikva sun”, “Байдиабет”, “Қувватол”, “Cucurbitoil” биологик фаол қўшимчалари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Учкун плюс биостимуляторини қўллашнинг мақбул усули ва меъёри аниқланган бўлиб, қовоқдошлар ҳосилдорлиги ва дориворлик хусусиятларининг ортиши уни барча қишлоқ хўжалиги экинларига самарали қўллаш имконини берган;

назоратга нисбатан қўшимча ҳосил қовоқнинг Испанская 73 навида 1,9-2,9 т/га ёки 3,8-5,8 млн. сўм/га, Палов қаду 268 навида эса 2,0-2,7 т/га ёки 4,0-5,4 млн. сўм/га ҳамда бодрингни Наврўз навида 1,71 т/га, Орзу F1 дурагайида эса 1,75 т/га ёки 2,0-2,1 млн. сўм/га юқори иқтисодий самара олинган;

биологик фаол қўшимчалар технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган препаратларга Техник шартлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ТС 02026972-005:2022 берилган ва Технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария эпидемиология назорати маркази томонидан ТИ 02026972-005:2022 тасдиқланган, натижада “Tikva sun”, “Байдиабет”, “Қувватол”, “Cucurbitoil” шартли номи билан биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқилган;

доривор, янги “Tikva sun”, “Байдиабет”, “Қувватол”, “Cucurbitoil” биологик фаол қўшимчалари яратилиб, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқот натижаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги, илмий ҳисоботларнинг институт илмий кенгашида муҳокамадан ўтказилганлиги, тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қовоқдош экинларни республикамизда етиштириш учун экологик тоза Учқун плюс биостимулятори яратилганлиги, унинг қўллаш меъёри ва усуллари самарадорлиги асосланганлиги, қовоқдош экинларни шифобахшлик ва дориворлик хусусиятларини оширишда турли биостимуляторлар ичидан истиқболли Учқун плюс биостимуляторининг қовоқ ва бодринг мева ва уруғлари таркибидаги витаминлар, фитогормонлар, макро ва микроэлементлар, оксиллар ва мойдорлик кўрсаткичларига ижобий таъсири ҳамда янги биологик фаол қўшимчаларнинг самарадорлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги, Учқун плюс биостимулятори яратилиб, патент олинганлиги, Учқун плусни қўллашнинг мақбул 0,01 фоизли меъёри ҳамда мақбул аралаш усули, яъни уруғларни 18 соат давомида ивитиб экиш ва ўсув даврида баргидан пуркаш усули самарадорлиги аниқланганлиги, қовоқнинг Испанская 73 ва Палов каду 268 навлари ва бодрингнинг Орзу F1 ва Наврўз навлари ўсиб ривожланиши ва маҳсулдорлигига Учқун плюс биостимуляторини қўллаш самарадорлиги аниқланганлиги ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, доривор янги “Тиква sun”, “Байдиабет”, “Қувватол”, “Cucurbitoil” биологик фаол қўшимчалари яратилганлиги ва ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қовоқдош экинларни (*Cucurbitaceae*) етиштиришда Учқун плюс биостимуляторининг ижобий таъсири аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

сабзаёт ва полиз экинларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Қовоқнинг истиқболли навларини етиштиришда маҳаллий биостимуляторлардан фойдаланиш бўйича тавсиянома” тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 28 апрел № 05/34-06/410-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома республикамизнинг сабзаёт ва полиз экинларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Учқун плюс биостимуляторининг қовоқдош экинлар ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича олинган тадқиқот маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси С. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган ҚХ-И-ҚХ-2018-113 рақамли “Андижон вилояти иқлим-шароитида қовоқнинг истиқболли навларини танлаш, уруғчилигини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш” мавзусида 2018-2019 йилларда ҳамда ФА-И5-Т007 “Қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлиги, ноқулай омиллар ва касалликларга чидамлилигини ошириш мақсадида юқори самарадор Учқун ўсиш регулятори технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал ва илмий лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2023 йил 27 январдаги № 4/1255-195 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида лойиҳалар дорасида янги технологиялар яратилиб, қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлигини

оширишга хизмат қилган;

Учкун плус биостимуляторининг қулай меъёрлари ва мақбул ишлов бериш усуллари аниқланган ва Андижон вилояти Шахрихон тумани “Найнаво оқшоми” фермер хўжалигида 5 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 28 апрел № 05/34-06/410-сон маълумотномаси). Натижада қовоқдош экинлардан гектаридан ўртача 75,24 млн. сўм даромад олишга ва ҳосилдорлик 18% га юқори бўлишига эришилган;

Шунингдек, Учкун плус биостимуляторининг қулай меъёрлари ва мақбул ишлов бериш усуллари Андижон тумани “Андижон сара гибрид уруғлари” масъулияти чекланган жамияти майдонида 3,5 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 28 апрел № 05/34-06/410-сон маълумотномаси). Натижада қовоқ уруғини Учкун плус биостимуляторидан ивйтишдан ўртача 34,0 т/га, аралаш усулда (уруғни ивйтиб экиш ва ўсув даврида ўсимликка пуркаш) эса 35,1 т/га ҳосил олишга эришилган ва анъанавий усулга нисбатан ҳосилдорлик 18% га ортган, гектаридан ўртача 75,24 млн. сўм даромад олишга эришилган. Бодринг етиштиришдан олинган соф фойда 60,582 млн. сўмни, рентабеллик даражаси 29,7 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шулардан, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қовоқдошлар (*Cucurbitaceae*) оиласининг тавсифи ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти. Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида қовоқдошлар (*Cucurbitaceae*) оиласининг

систематикаси ва ботаник таснифи, қовоқдошлар (*Cucurbitaceae*) оиласига мансуб турларнинг тарқалиш ареалларининг физик-географик тахлили, қовоқ ва бодринг етиштириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар, қовоқ ва бодрингнинг дориворлик хусусиятлари ва халқ хўжалигидаги аҳамияти, қовоқ ва бодрингдан олинган биологик фаол қўшимчалар ва уларнинг инсон саломатлигида тутган ўрни ҳақида хорижий ва маҳаллий адабиётлар тахлили ёритилган. Тахлилнинг сўнгги саҳифасида мавзуга оид дунёда ва республикада бажарилаётган ишлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида хулосалар келтирилган. Мавжуд маълумотларга таяниб, диссертация олдига қўйилган мақсад ва вазифалар шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Илмий тадқиқотларни амалга ошириш жойи, объекти ва услублари**» деб номланган бўлиб, илмий тажрибаларни ўтказиш жойи, иқлим ва тупроқ шароити, илмий тажрибаларнинг объекти ва бажариш услублари ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтилган.

Диссертациянинг «**Қовоқ ва бодринг маҳсулдорлигини оширишда биостимуляторларнинг ўрни**» деб номланган учинчи бобида биостимуляторлар ва уларни қишлоқ хўжалигида қўллаш, биостимуляторлардан қовоқ ҳамда бодринг етиштиришда фойдаланиш ҳақида баён этилган. Тадқиқотларда фойдаланилган биостимуляторлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Қовоқдош экин турларининг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида биостимуляторлар ишлаб чиқиш истиқболлари ва уларнинг таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида қовоқдошлар оиласига мансуб тур ўсимликларни ўсиб ривожланишида экологик тоза, “Учқун плюс” биостимуляторини қўллаш усуллари ва мақбул меъёрини аниқлаш, қовоқдошларнинг уруғ унувчанлигига турли биостимуляторлар таъсири, қовоқдошларда хлорофилл ва фитогормонлар миқдорининг ўзгариши, қовоқдошларнинг биометрик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигига биостимуляторларнинг таъсири асослаш, қовоқ етиштиришда турли хил биостимуляторлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, бодринг етиштиришда турли хил биостимуляторлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ҳақида батафсил баён этилган.

“Учқун плюс” композициясини тайёрлаш учун Учқун препаратининг 0,0001% ли 1 литр эритмасига микроэлементлардан бор, марганец, рух, йод, молибден, кобальт, мис қуйидаги миқдорда қўшилди, яъни H_3BO_3 -6,2 мг/л; $\text{MnSO}_4 \times 4\text{H}_2\text{O}$ -22,3 мг/л; $\text{ZnSO}_4 \times 7 \text{H}_2\text{O}$ -8,6 мг/л; KJ -0,83 мг/л; $\text{Na}_2\text{MoO}_4 \times 2 \text{H}_2\text{O}$ -0,25 мг/л; $\text{CuSO}_4 \times 5 \text{H}_2\text{O}$ -0,025 мг/л; $\text{CoCl}_2 \times 6 \text{H}_2\text{O}$ -0,025 мг/л қўшиб тайёрланди.

Натижада янги таркиб, яъни шартли равишда “Учқун плюс” деб номланган биостимулятор яратилди. У энг кам миқдорда ишлатилиши, кам токсиклиги ва юқори самарадорлиги билан ажралиб туради. Препарат ғўза баргидан ажратиб олинган Учқун препаратини микроэлементлар билан

бойитиб олинган. Учкун плюс кўплаб қишлоқ хўжалиги экинлари жумладан, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва баргларидаги фотосинтетик пигментлар миқдорини оширади.

Янги, экологик тоза, Учкун плюс биостимуляторини қовоқдош экинларни етиштиришда энг мақбул қўллаш меъёрини аниқлаш учун 5 та (0,1%, 0,05%, 0,01%, 0,005% ва 0,001%) концентрацияси ва 3 та қўллаш усули, яъни биостимуляторларга уруғларни ивитиб экиш, ўсув даврида баргидан пуркаш ва аралаш усул қўлланди. Назорат варианты сифатида қовоқ ва бодринг уруғларини экиш олдидан оддий сувга ивитиб, экиб таққосланди. Уруғларни оддий сув ва биостимуляторларда 18 соат давомида ивитиб экилди.

Қовоқ ва бодринг экинлари уруғларини Учкун плюс биостимуляторининг турли миқдорларида 18 соат давомида ивитиб, лаборатория шароитида петри косачаларига жойлаб, униш энергияси ва унувчанлигига таъсири аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Лаборатория шароитида Учкун плюс биостимуляторини қовоқ ва бодринг уруғлари унувчанлигига таъсири.

№	Вариантлар	Униш энергияси, %	Унувчанлик, %			Узунлиги, мм	
			5-кун	7-кун	9 кун	поя	илдизи
Қовоқ							
1	Назорат-(сув билан ивитиш)	72,0	75,0	79,0	79,0	129,3	44,3
2	Учкун плюс – 0,1	80,0±8,0	85,0	90,0	90,0	130,0±0,7	58,5±14,2
3	Учкун плюс – 0,05	82,0±10,0	85,0	91,0	91,0	130,2±1,1	68,1±23,8
4	Учкун плюс – 0,01	85,0±13,0	85,0	95,0	95,0	135,0±5,7	73,5±29,2
5	Учкун плюс – 0,005	80,0±8,0	83,0	92,0	92,0	132,0±3,1	69,3±25,0
6	Учкун плюс – 0,001	80,0±8,0	84,0	93,0	93,0	130,3±0,7	68,9±24,6
Бодринг							
1	Назорат-(сув билан ивитиш)	62,0	65,0	75,0	75,0	130,0	42,1
2	Учкун плюс – 0,1	77,0±15,0	83,0	90,0	90,0	130,1±0,1	58,5±16,4
3	Учкун плюс – 0,05	78,0±16,0	84,0	91,0	91,0	130,2±0,2	68,6±26,4
4	Учкун плюс – 0,01	86,0±24,0	86,0	96,0	96,0	136,5±6,5	75,0±32,9
5	Учкун плюс – 0,005	80,0±8,0	85,0	92,0	92,0	132,0±2,0	69,3±27,2
6	Учкун плюс – 0,001	79,0±7,0	85,0	93,0	93,0	130,3±0,3	69,2±27,1

Тажрибада қовоқ ва бодринг уруғлари унувчанлиги, ниҳолнинг поя ва илдиз узунликлари аниқланди. Учкун плюс биостимуляторининг 5 та қўллаш меъёрлари бўйича уруғларни униб чиқиш энергияси қовоқ экини назорат вариантыда 72,0 %, бодрингда эса 62% ни ташкил қилди. Энг юқори уруғларни униш энергияси Учкун плюснинг 0,01 фоизли вариантыда қовоқда 85,0 %, бодрингда 86% га эга бўлди. Қолган меъёрларда эса натижа нисбатан кам бўлди.

Олиб борилган тадқиқотда қовоқдош экинлар уруғларини дала шароитида униб чиқиши бўйича ҳам кузатувлар ўтказилди (2-жадвал).

Қовоқни далада 10 фоизга униши назорат вариантыда 6 кун, Учқун ва Учқун плус қўлланганда 4 кун, яъни ниҳоллар назоратдан 2 кун эрта униб чиққан. 75 фоизга униши эса назоратда 8 кун, қолган вариантларда 5-7 кун, яъни ниҳоллар назоратга нисбатан 1-3 кун эрта пайдо бўлган. Қовоқ уруғларининг дала унувчанлиги вариантлараро 86-98 фоиз бўлиб, назоратга нисбатан энг юқори кўрсаткич Учқун плус биостимуляторининг 0,01 фоизли вариантыда 98 фоизни ташкил этган.

2-жадвал

Қовоқдош экинлар уруғларининг дала унувчанлигига биостимуляторлар таъсири (2018-2020 йй.)

№	Вариантлар	Қовоқ уруғини униб чиқиши, кун			Бодринг уруғини униб чиқиши, кун		
		10%	75%	унувчанлик,%	10%	75%	унувчанлик,%
1	Назорат-(сув билан ивитиш)	6±1,0	9±1,0	86±1,0	5±1,0	8±1,0	87±1,0
2	Госсипрен1,0%	5±1,0	8±1,0	90±4,0	4±1,0	7±1,0	91±4,0
3	Учқун - 0,01%	4±2,0	6±3,0	95±9,0	4±1,0	6±2,0	94±7,0
4	У	4±2,0	5±4,0	98±12,0	4±1,0	5±3,0	97±3,0
5	Вэрва -5,0%	5±1,0	7±2,0	94±8,0	4±1,0	7±1,0	93±6,0

Тажрибада бодринг уруғларини далада 10 фоизга униши назорат вариантыда 5 кун, Учқун ва Учқун плус қўлланганда 4 кун, уруғларнинг 75 фоизга униши назоратда 8 кун, қолган вариантларда 5-7 кун, яъни назоратга нисбатан 1-3 кун эрта ниҳоллар пайдо бўлган. Уруғларнинг дала унувчанлиги вариантлараро 87-97 фоизни ташкил этиб, назоратга нисбатан энг юқори кўрсаткич Учқун плус биостимуляторининг 0,01 фоизли вариантыда 97 фоиз, яъни 10 фоизга кўпроқ уруғлар униб чиққан.

Тадқиқотларда қовоқдош экинларга Учқун плус биостимуляторини қўллаш ва назорат сифатида тоза сув билан ивитиб экилган вариантларда хлорофилл миқдори таққосланиб ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал

Барглардаги хлорофилл миқдorigа 0,01% Учқун плус биостимулятори аралаш усул таъсири (2018-2020 йй.)

Вариантлар	Хлорофилл мг/г		Умумий хлорофилл миқдори, мг
	α -миқдори	β- миқдори	
Қовоқ			
Назорат- (сув билан ивитиш)	1,54±0,5	0,40±1,0	1,94/100,0
У	2,29±0,75	0,65±0,25	2,94/151,5
Бодринг			
Назорат- (сув билан ивитиш)	1,01±0,5	0,31±1,0	1,32/100,0
У	1,25±0,25	0,56±0,25	1,81/137,1


Бунда яшил пигментларнинг миқдорини аниқлаш учун уруғларни биостимуляторларга 18 соат давомида ивитиб экилган усулда, ниҳолни чин барглари чиққан пайтда, яъни 10-12 кундан сўнг аниқланди. Иккинчи усулда ўсимликни учинчи ва тўртинчи чинбарглари пайдо бўлган даврда ўсимлик

баргига биостимуляторлар пуркалди ва гуллашидан олдин хлорофилл миқдори аниқланди. Тажрибада учинчи усул, яъни аралаш усулда юқорида келтирилган икки муддатда ҳам хлорофилл миқдори аниқланди.

Қовоқдош экинларда аралаш усул, Учқун плюс биостимуляторининг 0,01% миқдори қўлланган вариантида бошқа усулларга нисбатан ижобий натижалар кузатилди. Ушбу вариантда умумий хлорофилл миқдори қовоқда 2,94 мг, яъни 51,5 фоизга, бодринг ўсимлигида эса 1,81 мг/г, яъни 37,1 фоизга назоратдан юқори натижа берган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида биостимуляторларнинг ўсимлик ички ва ташқи стресс омилларига чидамлилигини белгиловчи гормонал тизимлар фаоллигини аниқлаш устида тажрибалар олиб борилди. (1-расм).

Тадқиқот натижаларига кўра, қовоқ ўсимлиги уруғлари Учқун плюс биостимулятори билан экиш олдидан ивителиганда фитогормонлар фаоллиги ортганлиги кузатилди.



Фитогормонлар стандарти: Кинетин 0,030 ИУК 0,030 ИМК 0,030

1-расм. Қовоқ ер устки қисми ва илдизида фитогормонлар миқдори ўзгариши (мг/мл).

Масалан, ўсимлик ўсиш ривожланишини тўхтатиб турувчи индол уксус кислота (ИУК) миқдори назорат вариантида уруғларда дастлаб 0,002 мг/мл ни ташкил қилган бўлса, кейинчалик қовоқ ер устки қисмида унинг миқдори 0,011 мг/мл га ортди. Учқун плюс биостимулятори таъсирида қовоқ ер устки қисмида кинетин миқдори назоратда 0,074 мг/мл, илдиз қисмида эса 0,136 мг/мл ни ташкил этди. Стандарт эритма сифатида олинган индол мой кислота (ИМК) миқдори Учқун плюс вариантида пояда 0,011 мг/мл бўлса, илдизда унинг миқдори аниқланмади.

Худди шундай натижалар бодрингда ҳам аниқланди. Бодринг илдиз қисмида кинетин миқдори назоратда 0,037 мг, Учқун плюста эса 0,136 мг ёки назоратдан 267,5 % ортиқча ҳосил бўлган. Индол уксус кислота миқдори илдизда назорат вариантида 0,002 мг/мл, Учқун плюс вариантида 0,001 мг/мл, назоратдан 50 % ортиқча ҳосил бўлган.

Қовоқ ҳосилдорлигига турли биостимуляторларнинг таъсири бўйича маълумотлар таҳлил қилинди (4-жадвал).

Испанская 73 навида биостимуляторлар билан аралаш усулда ишлов берилганда, назорат вариантыда ҳосилдорлик 28,2 т/га, 1 туп ҳосили 1,6 кг, товарбоп ҳосил 27,1 т/га, товарбоп ҳосил чиқиши 96,2 % ни ташкил қилди. Вариантлараро ҳосилдорлик 28,8- 31,8 т /га, 1 туп ҳосили 2,1-2,2 кг, товарбоп ҳосил 28,0- 31,5 т/га, товарбоп ҳосил чиқиши 97,3-99,2 %ни ташкил қилди. Энг яхши натижа Учқун плюс биостимулятори 0,01% меъёр сарфида гектаридан 31,8 т/га, 1 туп ҳосили 2,2 кг, товарбоп ҳосил 31,5 т/га, товарбоп ҳосил чиқиши 99,2 % ни ташкил қилди.

Палов каду 268 навида биостимуляторлар билан аралаш усулда ишлов берилганда, вариантлараро ҳосилдорлик 26,5 - 30,2 т/га, 1 туп ҳосили 1,6-2,2 кг, товарбоп ҳосил 25,6-30,0 т/га, товарбоп ҳосил чиқиши 96,2- 99,5 % ни ташкил қилди. Ушбу навда ҳам энг яхши натижа Учқун плюснинг 0,01% меъёри қўлланган вариантда олинди, ҳосилдорлик гектаридан 30,5 т/га, 1 туп ҳосили 2,2 кг, товарбоп ҳосил 30,0 т/га, товарбоп ҳосил чиқиши 99,5 % ни ташкил этди.

-жадвал.

Қовоқ ҳосилдорлик кўрсаткичларига турли биостимуляторлар таъсири (аралаш усул) 2020 йил

Вариантлар	Испанская 73 нави				
	Умумий ҳосил, т/га	1 туп ҳосили, кг	Товарбоп ҳосил, т/га	Товарбоп ҳосил чиқиши,%	Назоратга нисбатан, %
Назорат- (сув билан ивитиш)	28,2±0,5	1,6±0,6	±0,6	±0,5	
Госсипрен -1,0%	28,8±0,6	2,1±0,5	±0,9	±1,1	±2,1
Учқун - 0,01%	31,4±3,2	2,2±0,6	±3,6	±1,7	±11,3
У	31,8±3,6	2,2±0,6	±4,4	±3	±12,8
Вэрва -5,0%	30,5±2,3	2,1±0,5	±2,6	±1,5	±8,2
ЭКТФ 05 т/га	0,07		0,08		
Sx,%	0,22		0,26		
Паловкаду 268 нави					
Назорат- (сув билан ивитиш)	26,5±0,5	1,6±0,6	±0,5	±0,6	100,0
Госсипрен -1,0%	27,4±0,9	2,1±0,5	±1,1	±1,0	±3,4
Учқун - 0,01%	30,0±3,5	2,2±0,6	±3,9	±1,7	±13,2
У	30,5±4,0	2,2±0,6	±4,5	±3,3	±14,0
Вэрва -5,0%	28,5±2,0	2,1±0,5	±2,4	±1,7	±7,5
ЭКТФ 05 т/га	0,07		0,08		
Sx,%	0,24		0,29		

Тажрибада бодринг ўсимлиги ҳосилдорлигига биостимуляторлар таъсири ҳам ўрганилиб, унга кўра, Наврўз навли бодрингга биостимуляторлар аралаш усулда қўлланганда, вариантлараро умумий ҳосил 27,6- 35,1 т/га, 1 туп ҳосили 1,2-1,71 кг, товарбоп ҳосил 25,7 - 34,9 т/га ни ташкил этди (5-жадвал).

Учқун плюснинг 0,01% сарф меъёрида ушбу навда энг яхши натижа аниқланиб, умумий ҳосил 35,1 т/га, 1 туп ҳосили 1,71 кг, товарбоп ҳосил 34,9 т/га, назоратга нисбатан 27,2 % ортиқча ҳосил олинди.

Бодрингни Орзу F1 дурагайига биостимуляторлар аралаш усулда қўлланганда вариантлараро умумий ҳосил 29,9 -36,8 т/га, 1 туп ҳосили 1,3-1,75 кг, товарбоп ҳосил 27,7-36,2 т/га ни ташкил қилди. Энг яхши натижа Учқун плюснинг 0,01% сарф меъёрида умумий ҳосил 36,8 т/га, 1 туп ҳосили 1,75 кг, товарбоп ҳосил 36,2 т/га, назоратга нисбатан 23,0 % ортиқча ҳосил олинди.

Турли биостимуляторларни уч хил усулда қовоқ навларига қўлланганда, умумий ҳосил ва товарбоп ҳосили назорат вариантыга нисбатан ортиши кузатилди. Ушбу икки кўрсаткичлар орасида корреляцион боғлиқликни Доспехов (1979) услуби бўйича ҳисобланганда, юқори ижобий корреляцион боғлиқлик борлиги кузатилиб, корреляция коэффиценти $r=0,993$ ($R^2=0,9868$) га тенг бўлди.

-жадвал


Бодрингнинг ҳосилдорлик кўрсаткичларига биостимуляторлар таъсири (2020 йил)

Вариантлар	Наврўз нави				
	Умумий ҳосил, т/га	1 туп ҳосили, кг	Товарбоп ҳосил, т/га	Товарбоп ҳосил чиқиши,%	Назоратга нисбатан, %
Назорат-(сув билан ивитиш)	27,6±0,5	1,2±0,5		93,1±0,5	100,0±0,5
Госсипрен -1,0%	32,2±4,6	1,4±0,2	±5,0	95,2±2,1	116,7±16,7
Учқун - 0,01%	33,6±5,6	1,6±0,4	±7,2	97,9±4,8	121,7±21,7
У	35,1±7,5	1,71±0,51	±9,2	99,4±6,3	127,2±27,2
Вэрва -5,0%	33,1±5,5	1,45±0,25	±5,8	95,3±2,2	119,9±19,9
ЭКТФ₀₅ т/га	0,13		0,09		
Sx,%	0,39		0,29		
Орзу F1 дурагайи					
Назорат-(сув билан ивитиш)	29,9±0,5	1,3±0,5	±0,5	92,8±0,5	100,0±0,5
Госсипрен -1,0%	33,3±3,4	1,4±0,1	±3,0	95,2±2,4	111,4±11,4
Учқун - 0,01%	34,5±4,6	1,46±0,16	±5,1	95,2±2,4	109,7±9,7
У	36,8±6,9	1,75±0,45	±8,5	98,4±5,6	123,0±23,0
Вэрва -5,0%	33,4±3,5	1,44±0,14	±4,5	96,4±3,6	107,7±7,7
ЭКТФ₀₅ т/га	0,12		0,06		
Sx,%	0,35		0,18		

Бодринг навларига турли биостимуляторларни уч хил усулда қўлланганда умумий ҳосилдорлик ва унинг таварборлик кўрсаткичлари бўйича корреляцион боғлиқлиги ижобий бўлиб, корреляция коэффиценти $r=0,989$ ($R^2=0,9784$) юқори даражада ижобий боғланиш мавжудлигини кўрсатди (2-расм).

Турли биостимуляторларни аралаш усул, яъни ўсимлик уруғларини ивитиш экиш ва ўсув даврида баргидан пуркалган аралаш усулини кенг майдонларга жорий этиш Андижон вилояти Шахрихон туманидаги «Найнаво окшоми», фермер хўжалиги, Андижон вилояти Андижон туманида

жойлашган «СПЭКИТИ» Андижон филиали, Андижон вилояти Андижон туманида жойлашган «Андижон сара гибрид уруғлари» масъулияти чекланган жамияти ва Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Давлат унитар корхонаси дала майдонларида тадбиқ қилинди.



2-расм. Бодринг навлари ҳосилдорлик ва товарбонлик кўрсаткичлари ўзгариши ҳамда улар орасидаги корреляцион боғлиқлиги 2018-2020 йй.

Ишлаб чиқариш шароитида ҳам барча биостимуляторларни тавсия этилган аралаш усулини қўллаш юқори самара берганлиги исботланди. Бунда қовоқ экилган майдонга биостимуляторни қўллаш усули бўйича белгиланган муддатда, яъни ўсимлик уруғини ивитиб ва 2-3 чинбарглик даврида, гуллашдан аввал баргидан пуркалди.

Тавсия этилган 0,01 % ли Учқун плус биостимулятори ишлаб чиқариш шароитига тадбиқ этиш натижаларига кўра, хўжаликларда умумий 5,0 га майдондаги қовоқнинг Испанская 73 навини етиштиришдан 11,7 тонна қўшимча ҳосил олишга ва ишлаб чиқаришдан 23,4 млн. сўм, Палов каду 268 навини етиштиришдан эса 12,4 тонна қўшимча ҳосил олишга ва ишлаб чиқаришдан 24,8 млн. сўм иқтисодий самара олишга эришилганлиги маълум бўлди.

Бодринг иқтисодий самарадорлиги турли биостимуляторларни аралаш усулда қўлланган вариантларда аниқланди. Унга кўра, тажрибадан олинган соф фойда назоратда 51,255 млн. сўмни, биостимуляторлар қўлланган вариантларда эса 53,443- 60,582 млн. сўмни ташкил этди. Шу билан бирга 1 тонна товарбон маҳсулотнинг таннархи ҳам вариантлараро 1,592 -1,646 млн. сўмни ташкил қилди. Рентабеллик даражаси назорат вариантда 26,1 ни, биостимуляторлар қўлланганда 26,9 дан 29,7 фоизгачани ташкил этди. Энг юқори рентабеллик даражаси Учқун плус биостимулятори қўлланган вариантда 29,7 фоизни ташкил қилди.

Бодринг етиштиришда ишлаб чиқаришдан олинган соф даромад

биостимуляторлар қўлланганда 2,188 дан 9,327 млн. сўмгача кўрсаткичга эга бўлди. Энг юқори кўрсаткич 9,327 млн. сўм/га Учқун плус аралаш усулда қўлланган вариантда ва нисбатан камроқ кўрсаткичлар бошқа вариантларда кузатилди.

Диссертациянинг «Қовоқдошларнинг фитокимёвий таркиби ва дориворлик хусусиятларига биостимуляторларнинг таъсири» деб номланган бешинчи бобида қовоқ меваси таркибидаги моно, олигосахаридлар, пектин, каротин ва нитрат миқдорининг таҳлили, қовоқ ва бодринг меваси ва уруғи таркибидаги макро ва микроэлементлар миқдорини аниқлаш, қовоқ ва бодринг меваси ҳамда уруғи таркибидаги витаминлар миқдорини аниқлаш, қовоқ меваси ва уруғи таркибидаги оксил миқдорини аниқлаш, қовоқ уруғидаги ёғ кислоталари ва мойдорлигини аниқлаш, Учқун биостимуляторининг қовоқ баргларидаги полипреноллар миқдorigа таъсири, қовоқ ва бодринг маҳсулотларидан биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқиш ҳақида баён қилинади.

Гулистон давлат университети “Биоэкспериментал” лабораториясида қовоқ меваси таркибидаги каротин, макро ва микроэлементлар, С ва В₂ витаминлари, хлорофилл ва фитогормонлар миқдори аниқланди. ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида эса моно ва дисахаридлар сифат таҳлили, пектиннинг миқдорий таҳлили, ўсимлик баргидаги полипреноллар миқдори, умумий оксиллар миқдори ва уруғнинг сифат кўрсаткичлари таҳлиллари бажарилди. Биологик фаол қўшимчалар олиш бўйича Тошкент фармацевтика институти Биотехнология кафедрасида лаборатория тадқиқотлари олиб борилди.

Турли биостимуляторлар билан ишлов берилган қовоқ мевасидаги пектин миқдори хроматография усулида аниқланди (6-жадвал).

Натижалар таҳлил этилганда, назоратда 6,41 грамм, Госсипрен вариантыда 7,22 грамм, Вэрва вариантыда 7,42 грамм, Учқун вариантыда 8,01 граммга юқори бўлган. Учқун плус 0,01% меъёрида эса энг яхши натижа қайд этилди, пектин миқдори 8,81 грамм, яъни назоратга нисбатан 37,4 фоизга ортиқча миқдорда ҳосил бўлди.

6-жадвал

Қовоқ мевалари таркибидаги пектинга биостимуляторлар таъсири (2020 йил)

№	Вариантлар	Пектин миқдори, г/%
1	Назорат- (сув билан ивитиш)	6,41/ 100,0
2	Госсипрен -1,0%	7,22/ 112,6
3	Учқун - 0,01%	8,01/ 125,0
4	У	8,81/ 137,4
5	Вэрва -5,0%	7,42/ 115,8

Олиб борилган тажрибада турли биостимуляторларнинг қовоқ намуналаридаги β-каротин ва нитрат миқдorigа таъсири таҳлил қилинди (7-жадвал).

7-жадвал

Биостимуляторларнинг қовоқ меваси таркибидаги β-каротин ва нитрат миқдори таъсири (2020 йил)


№	Вариантлар	β -каротин миқдори, мг/%	Нитрат миқдори,мг/кг
1	Назорат- (сув билан ивйтиш)	3,69/100,0	/100,0
2	Госсипрен -1,0%	5,76/156,0	/89,3
3	Учқун - 0,01%	6,11/165,6	/87,3
4	У	6,15/166,7	/82,4
5	Вэрва -5,0%	6,06/164,2	/89,8

β -каротин миқдори назоратда 3,69 мг, нитрат миқдори эса 55,0 мг ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар Госсипренда 5,76 мг ва 49,1мг, Вэрвада 6,06 мг ва 49,4 мг, Учқун вариантыда 6,11 мг ва 48,0 мг ни ташкил қилди. Энг яхши натижа Учқун плюс вариантыда аниқланди, β - каротин миқдори 6,15 мг бўлиб, назоратга нисбатан 66,7%га ортган, нитрат миқдори эса 45,3 мг ни ташкил этиб, назоратдан 17,6 фоизга кам йиғилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, қовоқнинг меваси таркибидаги нитратлар миқдори бўйича фарқланиш 49,0-56,0 мг/кг ни ташкил этди. Бу кўрсаткич барча навларда қовоқ меваси таркибида нитратнинг рухсат этилган меъёрдан (ПДК-150 мг/кг) кам эканлигини тасдиқлади. Ушбу кўрсаткич қовоқни дориворлик хусусиятини оширувчи маҳсулот сифати нитратлар меъёри бўйича талабларга жавоб беришини кўрсатади.

Тадқиқотларда қовоқ ва бодринг таркибидаги макро ва микроэлементлар миқдори таҳлил қилинди (3- расм).

Ҳужайрада моддалар алмашинувини таъминловчи Na, K ва Mg элементлари бўлиб, тажрибада қовоқда макроэлементлар миқдори Учқун плюс биостимулятори билан ишлов берилганда Na-3,391 мг/л, K-144,01 мг/л ва Mg-9,02 мг/л, Ca-22,55 мг/л, P-21,26 мг/л, S-17,33 мг/л га назоратдан ортиши аниқланди.




3- расм. Қовоқ меваси ва уруғи таркибидаги макроэлементлар миқдори (мг/л).

Шуни таъкидлаш лозимки, қовоқ мева қисми ва уруғидаги макроэлементлар миқдори кескин фарқ қилади. Бу моддаларни уруғда катта миқдорда бўлиши унинг асосий генератив орган эканлиги, гетеротроф озикланиши ҳамда уруғда оксиллар, мойлар, нуклеин кислоталар, фосфат кислоталар ва аминокислоталар кўп миқдорда ғамланиши билан тушунтирилади.

Қовоқ меваси таркибидаги микроэлементлар Учқун плюс таъсир этирилган вариантда Fe-0,466 мкг, Cu-0,198 мкг, Zn-0,259 мкг, B-0,017 мкг, Mo-0,0043 мкг, Mn-0,0041 мкг, Cr-0,0023 мкг бўлса, уруғда уларнинг миқдори Fe-6,956 мкг, Zn-6,912 мкг, Mn-2,578 мкг, Cu-1,146 мкг, B-0,026 мкг, Cr-0,016 мкг, Mo-0,007 мкг ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан ортиқча ҳосил бўлди.

Тажрибада бодринг таркибидаги макроэлементлар миқдори аралаш усулда назоратга нисбатан ортиб борди (4-расм).



4-расм. Бодринг таркибидаги макроэлементлар миқдори (мг/л).

0,01% ли Учқун плюс қўлланган вариантда Mg-12,9 мг/л, Na-2,0 мг/л, K-146,0 мг/л, Ca-15,8 мг/л, P-23,14 мг/л миқдорда ҳосил бўлди.

Бодринг мевасидаги микроэлементлар миқдори ҳам ўрганилиб, унга кўра, аралаш усулда Учқун плюс 0,01% меъёри қўлланган вариантда Fe-0,3 мкг, Zn-0,2 мкг, F-1,3 мкг, Se-0,3 мкг, Mn-0,1 мкг назоратдан ортиқча ҳосил бўлди.

Мева таркибида витаминларнинг етарли миқдорда ҳосил бўлиши унинг дориворлик хусусиятларини белгилайди. Тажрибада қовоқ ўсимлиги нафақат мева таркибидаги балки, мевасининг пўсти, этли қисми, плацентаси ва уруғи таркибидаги витаминлар ҳам таҳлил қилинди (8-жадвал).

Тажрибада Учқун плуснинг 0,01% ли вариантыда қовоқнинг барча қисмларида B₂ ва C витаминлари миқдори кўплиги аниқланди, бу эса шубҳасиз, унинг дориворлик хусусияти ортанлигини билдиради. Ушбу меъёр қўлланган вариантда қовоқнинг пўстида C миқдори 1,84 мг бўлса, витамин B₂ миқдори 0,02 мг, этли қисмида 8,78 ва 0,12 мг, плацентада 5,26 ва 0,11 мг, уруғда эса витамин C миқдори 8,86 мг, витамин B₂ эса 0,16 мг ни ташкил этган.

8-жадвал

Қовоқ ўсимлигига турли биостимуляторлар билан аралаш усулда ишлов беришнинг витаминлар миқдорига таъсири (100 г/мг)

Вариантлар	Мева қисмлари	Витамин С	Витамин В ₂
Назорат (сув билан вितिш)	Пўсти	1,61±0,04	0,01±0,05
	Эт қисми	8,00±0,07	0,06±0,07
	Плацента	5,19±0,11	0,11±0,04
Учқун плюс-0,01%	Уруғ	8,35±0,05	0,14±0,03
